

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

МУЎМИНЖОНОВА ДИЛНОЗА

**МАВЗУ: ТОҲИР МАЛИКНИНГ “ШАЙТАНАТ” АСАРИ ЛЕКСИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

КУРС ИШИ

АНДИЖОН

Р Е Ж А:

Кириш

Асосий қисм:”Шайтанат” асарида қўлланган ноадабий қатлам лексикаси

1. Диалектал лексика.
2. Асарда ишлатилган арго ва жаргонларнинг лингвистик асослари.
3. Вульгаризм ва варваризмлар.
4. Асарда ўзбек тилининг эвфемистик васиталаридан фойдаланиш.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Кириш

Бадий асар тилини ўрганиш ўзбек тилшунослигида нисбатан кейин, яъни XX асрнинг 30- йилларидан жиддий бошланган бўлса-да, бугунги кунда нафақат лингвистикамиз, балки адабиётшунослигимизнинг ҳам энг долзарб, мунозарали муаммосига айланди. Чунки «Адабиёт тилдан бошланади. Рангсиз тасвир, оҳангсиз мусика бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди.

Адибнинг ёзувчилик нигоҳи қанчалик ўткир бўлмасин, тафаккур қуввати қанча бақувват бўлмасин, инсон табиатининг сиру асроридан қанча бохабар бўлмасин, қалами ўтмас, услуби тўмтоқ, тили ғализ бўлса, унинг эзгу ниятлари қоғозда қолиб кетади. Ёзувчи ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини, ижтимоий-маънавий муаммолар ҳақидаги ҳукм ва хулосаларини китобхонга тил орқали етказди, ... сўз сеҳри билан китобхонга таъсир кўрсатиб, унинг фикрий дунёси, руҳий оламини ҳаракатга келтиради.»

Атоқли сўз устаси Константин Федин ёзувчининг маҳорати ҳақидаги гапни тилдан бошлаш кераклигини, «ҳатто бадий форманинг бош бўлакларидан бўлган композиция ҳам ёзувчи тилининг ҳал қилувчи аҳамияти олдида кейинда туришини» алоҳида таъкидлаб ўтган эди.¹

Демак, бадий асар тилини ўрганиш орқали ёзувчининг адабий маҳоратига ҳам баҳо берилади. Академик В.В.Виноградовнинг фикрича, «бадий адабиёт тили ҳақидаги фан тилшуносликдан ҳам, адабиётшуносликдан ҳам фарқланади. Лекин ҳар иккала фан билан ҳам бевосита боғланади». А.В.Степанов эса бу ҳақда ўз қарашларини қуйидагича баён этади: «Бадий адабиёт стилистикаси муаммолари характери тилшунослар ва адабиётшуносларнинг биргаликдаги ҳаракатини ёки бир таҳлилда ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик, шу билан бирга, яна санъатшунослик маҳоратини бирлаштиришни талаб қилади».²

Рус адабиётшунослиги ва тилшунослигида бадий асар тилини ўрганишга жиддий эътибор берилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бадий тил бадий маҳоратнинг муҳим бир томони сифатида қаралади. «Бинобарин, бадий тил соҳасида маҳорат касб этмасдан туриб, чинакам санъат асарини яратиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам сўз усталарининг маҳоратини унинг тили орқали ўрганиш ишига янада кўпроқ эътибор бериш лозим».

Атоқли адибимиз Ойбек ўзбек танқидчилигида биринчи бўлиб бадий асар,

¹ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. -Т.: Узадабийнашр, 1962. - Б.171 Виноградов В.В. О языке художественной литературы. - М.: Гослитиздат, 1957. - С.4

² Степанов А.В. Основные понятия стилистики. - М.: МГУ, 1966. -21-22 с.

жумладан, поэзия тили масаласига оид махсус мақола ёзган эди.³

Ўтган давр ичида бадиий асар тилини тадқиқ этувчи ўнлаб илмий асарлар ёзилди. Бундан ташқари, Р.Қўнғуров, Ғ.Абдурахмонов, С.Каримов, Б.Йўлдошев, А.Аҳмедов, А.Шомақсудов, И.Қўчқортоев, М.Қодиров ва бошқа тилшуносларимизнинг бадиий адабиёт тилини ўрганишнинг умумий масалаларига бағишланган илмий мақолалари, турли хил асарлари чоп этилди. Бу ишларда бадиий асар тилини ўрганиш усуллари, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида турли қарашлар асослаб берилган. Жумладан, Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар бадиий асар тилини ўрганишнинг икки аспектини кўрсатадилар: «1.Лингвистик аспект. Бу аспектда адабий тилнинг ўсиш-ўзгаришларини, ундаги грамматик категориялар ва сўзларнинг лексик-семантик ўзгаришларини аниқлаш, назарий фикрларни исботлаш учун бадиий адабиёт тилидан кўргазмали материал сифатида фойдаланадилар... 2.Стилистик аспект. Ёзувчининг сўз танлаш санъати, образлар характерини тил воситасида очиш ва индивидуаллаштириш маҳорати, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати... каби масалалар устида фикр юритилиб, ёзувчининг маҳорати, унинг ўзига хос тили ҳақида ҳукм чиқарилади».¹

Демак, бадиий асарни стилистик нуқтаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Зеро «ҳар қандай туйғу ва ҳар қандай фикрнинг поэтик бўлиши учун улар образли равишда ифодаланиши лозим» (В.Г.Белинский).

Тадқиқот манбаи бўлмиш Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари ҳам ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мазкур илмий ишда Тоҳир Маликнинг ўхшатиш ва сифатлашлардан фойдаланиш маҳоратини тадқиқ этишга эътибор қаратилди. Шунингдек, ёзувчи ижоди тилини фақатгина ушбу тасвирий воситаларгина белгиламайди, албатта. Бу асарда кўчма маъноларни қўллаш, шевага хос сўзларни ишлатиш, арго ва жаргонлар, кимор ўйинлари билан боғлиқ номлар, киши лақаблари, вульгаризм ва варваризмлардан фойдаланиш маҳорати ва ҳоказо жиҳатларига ҳам эътиборимизни қаратдик.

Ўзбек тилининг диалектал қатлами ниҳоятда кенг, мураккаб бўлиб, у ўз ичига бир қанча шева ва диалектларни олади. Бу шева ва диалектларнинг ҳар бири ўзига хос фонетик, лексик грамматик хусусиятлари билан адабий тилда, шунингдек, ўзаро фаркланади.

Ёзувчи асарда диалектал сўзларни қўллаш билан қаҳрамоннинг қайси ҳудуд вакили эканлигини кўрсатиб боради. Масалан, "Шайтанат" асари қаҳрамонлари нутқидан

³ Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. - Т.: Фан, 1988. - 79 б.

¹ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. - Т.: Ўзадабийнашр, 1962. - 173-174 б.

Тошкентлик экани кўриниб туради:

- Кеннайимга бизадан салом айтинг. (1 — к. — Б.45).

Бадиий асарларда арго ва жаргон сўзлар қўллашнинг аҳамияти катта. Чунки арго ва жаргонлар ёрдамида асар қаҳрамонларининг қайси ижтимоий гуруҳ вакили эканлигини англаш мумкин. Арго ва жаргонлар бошқа лексик бирликлар билан доимо ўзаро алоқада бўлади.

Айрим бадиий арго ва жаргонлар персонаж тилидан қўлланади. Бу асарни табиий чиқишига имкон беради. Масалан:

Зелихон эса "ўк илон" деб ном олган бу одамдан заррача тап тортмай ўтираверди. (1 — к. — Б.363).

Айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора ўрнига ишлатиладиган "пардали" сўз ёки ибора эвфемизм дейилади. Масалан:

Келининг юкли эди, бир марта хабар олмадинг. (2 — к. — Б.91)

Лекин тилда айтиш ноқулай, ноўрин бўлган тушунчани эвфемистик усул билан ифода этишдан ташқари кўпол ва дағал формада яъни дисфемизмлар билан ҳам ифода этиш мумкин.

Биз юқорида бадиий асар тили ҳақида умумий тўхталиб ўтдик.

Бадиий асар тилига хос хусусиятлар, уларда қўлланувчи лексик, синтактик бирликлар, ифода -тасвир воситалари ҳақида фикрлашдик.

Изланишларимизнинг давомида эса Тохир Маликнинг "Шайтанат" асари асосида асар тили, унда қўлланган тасвирий ифода воситаларининг лингвистик хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

“Шайтанат” асарида қўлланган ноадабий қатлам лексикаси.

1. Диалектал лексика

Бадиий адабиёт тилининг бойлиги унинг луғат таркибида турли хил лексемаларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги ҳамда маъно доирасининг кенглиги ва торлигига қараб ҳам ўлчанади. Демак, бадиий адабиёт тили нафақат адабий тил доирасидаги сўзлар орқали шаклланад экан, балки ноадабий лексик бирликлар таъсирида ҳам ривожланиб боради.

Ноадабий қатлам ҳақида гап борар экан, аввало, ҳар бир ижодкор кўпгина ҳолларда адабий меъёрни четлаб ўтишга эътиборни қаратади. Шу сабабдан, машҳур француз тилшунос олими Шарль Балли ва академик В.В. Виноградовлар бадиий адабиёт тилида

адабий меъёрга хос бўлмаган умумадабий тил меъёрларини четлаб ўтувчи лексемалар ҳам мавжудлигини таъкидлайди. К.С.Горбачевичнинг таъкидлашича, ёзувчилар ҳаётни аниқ тасвирлаш мақсадида турли адабий бўлмаган сўз ва сўз шакллари ва матн талаб қилган ифодалардан фойдаланиш мақсадида адабий меъёрни четлаб ўтади.¹ Демак, ёзувчилар ҳаётий воқеаларни тўғри талқин этиш учун нафақат адабий меъёрга хос лексемалардан, балки ноадабий тил унсурларидан ҳам фойдаланишга эътиборни қаратди. Тоҳир Малик ҳам кўпгина ўринларда адабий тилни четлаб ўтишга мажбур бўлган. Ёзувчи ижодида ана шундай ноадабий тил воситаларидан бири диалектизмлардир. Бинобарин, диалектизмлар – умумхалқ тилининг ажралмас бир қисми бўлиб, асосан жонли сўзлашув нутқига хос лексемалар ҳисобланса-да, улардан бадиий адабиёт тилида фойдаланишга ҳам эътибор қаратилади. Кўпгина тилшуносликка оид тадқиқотларда диалектизмлар умумхалқ доирасидаги нутқ тури сифатида қаралиб келинган ва адабий тил меъёрига мос келмаслиги туфайли адабий нутқда чегараланган ҳолатларда қўлланилиши ҳақида фикрлар юритилган. Диалектизмлардан бадиий асарда турли хил мақсадларда фойдаланилади. Айниқса, уларнинг услубий вазифа бажариб келиши бадиий асар тилининг бой ва жозибадор бўлиши учун муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан улар адабий тилнинг функционал нутқ доирасига ўтади, ўша услубга мос ва эмоционал бўёк олади.

Бадиий адабиёт тилини бойитувчи воситалар талайгина. Хусусан, бадиий тилнинг бойиб бориши ва унинг таракқий этиб туришида оғзаки нутққа хос лексемаларнинг аҳамияти катта. Одатда оғзаки нутқ лексикаси бадиий асар тилининг шундай бир кўринишики, у ҳар қандай асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини уюштиради. Айни чоғда, оғзаки нутққа хос луғавий воситалар бадиий тилнинг таъсирчан, жозибадор бўлишини ҳам таъминлайди. Бу бевосита Тоҳир Маликнинг ҳам ижод характериға хос ҳолатдир. Бундай ҳолатларнинг айримлари хусусида ўз фикримизни билдирмоқчимиз. Асарда, асосан, Тошкент ва Фарғона шеваларига дуч келамиз. Масалан: “Адаси сиз кейинроқ келарсиз” деган таклиф ҳамда қайтмоқлик аҳдини маълум қилиб қўйиш ниятида эди. (4-к. 8-9 б). Ушбу гапдаги “адаси” сўзи Тошкент шевасига оид бўлиб, адабий тилда “дадаси” шаклида бўлиши лозим.

“Янгам телпон қилганмишлар” (4-к. 21-б). Бу гапдаги “янгам”, “телпон” сўзлари адабий нутқимиздаги “келинойи”, ҳамда она тилидан ўзлашган “телефон” сўзларининг омма орасида кенг тарқалган шеваға оид кўринишидир. Яъни “янга” сўзи Тошкент шевасига оид сўздир. “Телпон” сўзида фонетик жиҳатдан ўзгариш содир бўляпти.

¹ Горбачевич К.С. Норма современного русского литературного языка. –М., 1978. –С.22.

- Ҳосилнинг боллари тинч юришибдими? (4-к. 77-б).

Бу гапдаги боллар сўзи адабий тилдаги “болалар” сўзининг бурилган шаклидир. Юртимизнинг жуда кўп ҳудудларида бу сўз деярли ана шундай тарзда қўлланилади.

“Шариф акамгила хат бериб юбордила” деди. (1-к. 133-б). Бу гапдаги акамгила сўзи Тошкент шевасига оид бўлиб, “акамлар” сўзининг булиб талаффуз қилиши оқибатида пайдо бўлган.

- Воҳма қилманг-э азизим. (1-к. 135-б). Бу гапдаги воҳма сўзи адабий тилдаги “ваҳима” сўзининг бузилган кўринишидир. Бу сўз Тошкент шевасига оид сўздир.
- Кеп қоса, адангни топсин. Иш зарил! (4-к. 255-б). Гаплардаги кеп қоса, зарил сўзлари ҳам адабий тилнинг бузилаган шакли бўлиб, бу ерда фонетик ўзгариш содир бўляпти. Адабий тилда бу сўзлар “келиб қолса”, “зарур” шаклида берилади.
- Келсалар нима нима деб кўйий? (1-к. 278-б). Бу гапдаги кўйий сўзи ҳам фонетик жиҳатдан фарқланиб Тошкент шевасига оиддир. Адбий тилда бу сўзлар “кўйай” тарзида айтилади.
- Бугун эртаман чикди. (1-к. 353-б). Гапдаги эртаман сўзи юртимиздаги жуда кўп вилоятларида қўлланилади. Жумладан Андижон шевасида ҳам. “Эрталаб” сўзининг шевага оид кўриниши.
- Чекишдан ол – деб буюрди Элчин (2-к. 33-б). Гапдаги чекишдан ол сўзи Тошкент шевасига оид бўлиб, сигарет демокчи. Адбий тилда “Чешдан ол” деб олинади.
- Олдиндаги мошин қаёққа юрса, биз ҳам ашокқа юроврамиз. Аққа-бакқа қарамасдан юришасанлар деб буюришган. (2-к. 46-б).

Гапдаги мошин, ашокқа, юроврамиз, аққа-бакқа, юришасанлар сўзлари адабий тилимизга рус тилидан қабул қилиб олинган “машина” сўзи ҳам адабий тилдаги “ўша ёққа”, “у ёқ-бу ёққа”, “юрасанлар” сўзларининг Фарғона шевасига оид кўринишидир.

- Буни қарангки автобус номерини эслаб қоған эканман. (2-к. 114-б).

Гапдаги қоған сўзи адабий тилдаги “қолган” сўзининг Фарғона шевасига оид кўриниши.

- Сен гаплашовур, сўраганини товиб берамиз. Э, йўк, ўқийдағон боламас.
- Бешта сўм бераман кетовраманда. (2-к. 166-167-б).

Бу гаплардаги гаплашовур, товиб, ўқийдағон сўзлари Фарғона шевасига оид бўлиб, Андижон шевасида ҳам учрайди. Адабий тилда бу сўзлар “гаплашавер”, “топиб”, “ўқийдиган” сўзларининг бузиб талаффуз қилинганлиги кўринишидир. Бу ерда фонетик ўзгариш содир бўляпти.

- Бир полвон келибховузни ўзийла тозалаб қўйди-я. (2-к. 160-б). Бу гапдаги ўзийла сўзи Фарғона, Андижон шевасига оид бўлиб, адабий меёрда “бир ўзи” деган сўзни ифодалаб келади.

- Жа дараклари йўқ деб хафа бўлишди. – Аҳо, бу криминал иш. (3-к. 163.275-б). Ушбу гаплардаги аҳо, жа сўзлари ҳам шевага оид сўзлар бўлиб, улар лўли ҳамда Фарғона шевасидир. Аслида бу сўзлар “аҳо”, “жуда” сўзлари эди.

2. Асарда ишлатилган аргó ва жаргонларнинг лингвистик асослари

Ўзбек тилининг икки томлик изоҳли луғатида аргó ва жаргонларга қуйидагича таъриф берилади: «Аргó ва жаргон французча сўз бўлиб, бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган ясама тили»¹.

Аргó ва жаргон сўзлар маъно ва шакл жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар бўлса ҳам, ижтимоий гуруҳланиш жиҳатдан бир- биридан фарқ қилади.

Аргó ва жаргонлар истеъмол доираси чегараланган лексикага кирса ҳам, ўзбек тилини бойитишда уларнинг аҳамияти жуда муҳимдир.

Аргó ва жаргонлар ёрдамида кишиларни қайси ижтимоий гуруҳ вакиллари эканлигини англаш мумкин. Аргó ва жаргонлар бошқа лексик бирликлар билан доимо ўзаро алоқада бўлади. Айрим бадиий аргó ва жаргонлар персонаж тилидан қўлланади. Бу асарнинг табиий чиқишига имкон беради. Масалан «Зелихон» эса «ўк илон» деб ном чиқарган бу одамдан заррача таи тортмай ўгираворди.

Аргó ва жаргон сўзларни қўлловчи кишилар гуруҳи турли —туман бўлгани учун, аргó —жаргон сўзлар ҳам келиб чиқиш характериға кура турли— туман бўлади. Масалан: Ўғрилар аргóси; савдогарлар аргóси; қиморбозлар аргóси; даллоллар аргóси, кассавурлар аргóси.

Умумхалк тилидан фарқ қилиб, бирор ижтимоий гуруҳ ўртасида яратилган ва уларнинг талабларини ифодаловчи махсус сўз ва иборалар жаргон дейилади. Масалан: «куруғи» сўзини олсак «Шайтанат» асарида бу икки хил маънода қўлланган.

Жаргонларнинг энг характерли белгиси ўзаро сўзлашувни бошқалардан махфий сир тутишдир. Шунга кўра жаргонларнинг яратилиш йўллари ҳам кўпинча тилнинг сўз яшаш системасига тўтри келмайди. Улар ўзига хос сунъий, шартли сўзлардир.

Жаргонлар кўпинча тилдаги сўзларнинг товуш томонини ўзгариши, бузиб қўллаш, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ва тилдаги мавжуд сўзларга маъно бериш йўли билан ҳосил қилинади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва. Рус тили нашр. 1981.

Ижтимоий арго ва жаргонларни ўзбек тилида абдал тили деб ҳам юритилган. Қадимда маддоҳлар ва қаландарлар ўз ниятини бошқалардан яшириш мақсадида ўзлари учунгина тушунарли бўлган абдал тилидан фойдаланган.

Бундан ташқари бу ижтимоий жаргонлар салбий аҳамият касб этганлиги учун арго деб ҳам юритилади.

Масалан: лой, сокқа, кусои куруғи (пул), хит (бегона), туз (ақлли) каби қиморбоз ўтрилар аргоси.

- Вей братан, ман ўзим борганман. Сокқа йўғиди, қарзга берган. (1 — 45 — 6).

- Кеннойимга бизадан салом айтинг. Эртага бештагина кусок тайёрлаб қўйсинлар. (5 минг маъносида).

- Хўжайининга «Ўлдириб, сувга ташладим» дейсан. Мен билан беҳит учрашиб турасан.

— Сен бу ўйинда иккита хатога йўл қўйдинг. Биринчиси — академикни «туз» деб билдинг (1—к. —Б.201).

Арго ва жарголар шевага хос сўзларни қўллаш ва лақаб қўйиш билан ҳам боғлиқ бўлади. Бадиий асарларда қаҳрамонлар портретининг айрим қиырларини очиб беришга муваффақ бўлади. Масалан:

— Иситма борку, қаёқдан қочиб келяпсан, чувринди ука —деди Ҳайдар Маҳмудга.

— Жуда гўзал! Ҳосил —лайча. Асадбек — ўк илон! Қардош, сен агар лайча акиллаб ғашини келтирса, ўк илон чақиб ўлдириш мумкинми? (3- к. 220 - б).

Мисолларга назар ташлайдиган бўлсак, биринчи мисолдаги чувринди лақаби Маҳмудга кесакполвон томонидан бекатга келиб, қаерга боришини билмай, аянчли, забун ҳолда эканлигига берилган эди.

Иккинчи мисолда эса, Асадбек ва Ҳосилнинг лақабларидан уларнинг куч — қудрати, қандай одам эканлигини билишимиз мумкин.

Кесакполвон хонага кириб, Қилич билан сўрашиб олгунича бир — икки дақиқа вақт ўтади. (1 —к. — Б.65).

Асадбекнинг ўнг қўл аъёнларидан бўлган Ҳайдарга бу лақаб қадди бастига қараб эмас, ўғирлик қилиб юрганида, пул бор деб ўилаб, белбоғидан кесак чикқани учун берилган. Яна характер хусусиятида ҳам муҳим масалаларга кесак ушатишдай енгил қараши кузатилади.

—Бўтқа хўжайин тикилиб турган нуктага қараб, жони чиқиб кетгудек бўлди. (1 — к. — Б.68).

Бўтқа Асадбекка қарашли видеобар эгаси, Кенжанинг лақаби. Бу ном унинг ўта

гавдалилиги учун берилган.

Биласанми, устозим ким -Академик! Хонгирей шундай деб кўрсаткич бармоғини фахр билан ҳаволатди. (З-К.-Б.251).

Асардаги «академик» лақаби Зелихон Хонгирейга берилган. Бунга сабаб — у пухта ўйлаб олиб, сўнг ишга киришарди. Шунинг учун ҳам асардаги энг кучли тўдабоши Хонгирей уни ўзига устоз деб билади. Арго ва жаргонларнинг бирор гуруҳ ёки табақа доирасида пайдо бўлишига қараб иккига ажратиш мумкин:

а) профессионал арго — жаргонлар

б) ижтимоий арго —жаргонлар.

Профессионал арго ва жаргонларга бирор касб —ҳунар кишилари орасида ишлатиладиган махсус сўз ва иборалар киради. Бу хил арго ва жаргонларнинг пайдо бўлиши, одатда, ишлаб чиқариш ихтисоси, меҳнатнинг умумиилиги ва баъзан турмуш маданият тарзлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан:

— Эй, прокурор, кўзингни оч! Шунча йил учрода сакич чайнаб юрган экансан —да, а? (1—к. —Б.47.)

Бу гап Шайтанат асаридаги прокурор ва терговчи ўртасидаги суҳбатдан олинган бўлиб, жиноят қидирув угро деб қўллашяпти.

— Аввалги директориға, битта —иккита плотямни бериб, колганини комиссианкада соттирар экан. (З —к. 304 — 6).

Бу гап асардаги Кесакполвоннинг қизи Моника нуткидан олинган. Моника сартарошхонада ишлаётгани учун шу соҳага оид сўзлар унинг нуткида ишлатилган.

Профессионал жаргонлар ижтимоий жаргонлардан номақбул ифода қилиши ва баъзан характерга эга бўлиши билан фарқланади.

Умуман арго ва жаргонларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича:

1. Арго ва жаргонлар адабий тилда номи бўлган нарса ва ҳодисаларнинг бошқача, жуда тор гуруҳдаги атамасидир.

2. Арго ва жаргонлар ҳар доим экспрессив стилистик буёққа эга бўлади.

3. Кўпчилик жаргонлар ўткинчи, вақтинча бўлиб, кейинроқ аста —секин ё бутунлай унутилиб кетади ёки эмоционал - стилистик бусғи туфайли оддий сўзлашувга ундан умумқўлланишга, яъни чегараланмаган лексикага ўтиши мумкин.

Арго ва жаргонларни қўлловчи гуруҳлар турлича уюшадилар:

1. Қизиқишларига, ўрганиб қолган одатларига қараб бирлашган гуруҳларга хос жаргонлар ичувчилар тилида:

— оқиданми ё қизилиданми, хўжайин?

— Ўлдирса ҳам қизили ўлдирсин.(1 — к.Б.53)

Бу ерда қизили, оқи деганда вино, ароқ ичимликлари кўзда тутиляпти.

2. Ёшларига, жинсларига кўра бирлашган гуруҳларга хос аргó ва жаргонлар.

3. Маълум касб — ҳунар кишилари орасида учрайдиган аргó ва жаргонлар.

Бундан ташқари, бадиий асарларда икки тилдаги жаргонлар учрайди.

1. Бадиий жаргонлар

а) тарихий асарларда давр ифодаси, маълум гуруҳ нутқини индивидуаллаштириш сифатида қўлланади.

б) тарихий асарларда давр колоритини бериш, тарихий шахслар нутқини индивидуаллаштириб беришда синфий жаргонлар кўплаб қўлланилади.

2. Замонавий жаргонлар.

Замонавий асарларда ҳам ҳозирги тилимиздаги кичик ижтимоий гуруҳларга оид сўзлар қаҳрамонлар характери, савиясини кўрсатиш учун қўлланилади. Масалан:

Бек акангиз чўтал оладиган гадолар тоифасидан эмаслар. (2 —к.— Б.357)

Мисолдаги чўтал сўзи мафияга киморбозларга оид жаргон бўлиб, «Шайтанат» романининг марказии қаҳрамони Асадбекка нисбатан айтилган. Шунингдек, айрим образлар, асарда жаргонга оид махфий сўзлар билан номланган.

Масалан: «Ғилай ҳеч тап тортмай уйни алғов - далғов қилиб Зелихоннинг хазиначисини қидирганди». (2 —к. —Б. 358).

Жалол шилимшиқ Элчиннинг вазоҳатига қараб «барибир ўлдиради» деб ўйлади. (1—к.— Б.183).

Айрим қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш учун жаргон сўзлар ишлатилади. Бунда купинча узбек тилига ўзлашган бошқа тилга хос сўзлар қўлланилади. Жаргон сўзлар айрим ҳолларда шевага хос сўзлар билан ҳам уйқунлашади. Албатта, бадиий асарда жаргонга оид сўзлар муаллиф нутқидан эмас қаҳрамонлар нутқидан берилади.

— Чойдан олинг, бугун оддиҳ бўлса, шошиб қаёққаям борасиз. (1—к. —Б.67).

— Асадбек малодец! Высший класс! — деди у (1—к. — Б.85).

— Пахан ўзимиздан экан- ку, — деди у шерикларига қараб. (1-К.-Б. 98)

— Жуда ҳам отсталийсан —да, асарчик. Обижатся қилмагину сен худди ўн тўққизинчи векнинг одамига ўхшайсан. (3 —к.— Б.305).

Бир хил бадиий асарда жаргонлар қаҳрамонни қайси гуруҳ вакили эканлигидан хабар берса, айримлари унинг рухий аҳволини очишга ёрдам беради.

Албатта, жаргонлар бирор гуруҳ ёки табақалар доирасида пайдо бўлади, лекин улар

узок яшамайди. Гурух ёки уюшган тўдалар йўқолиши биланоқ жаргон сўзлар истеъмолдан чиқади. Баъзилари адабий тилга ўзлашиб кетади.

«Московга умид билан кетдилар, ўз жонига халоватли хабар келтира олмайдилар. (1-к. - Б.343)

Мисолдаги Масков сўзи асли савдогарлар нутқида хос бўлиб, айрим ҳолларда адабий тилда ҳам учраб туриши мумкин.

Жаргонларга оид сўзлар, асосан, бир гуруҳнинг икки вакили ўзаро сўзлашганда кўпроқ қўлланади. Шунинг учун ҳам улар сунъий сўзлар ҳисобланади.

Жаргонларнинг манбаи, асосан, сўзнинг шакли бутунлай ўзгартирилгандан кейин қайси тилга хослигини аниқлаш қийин бўлган сўзлар ва сунъий сўзлардир.

Бошқа тилдан кирган сўзлар ҳам жаргоннинг манбаи ҳисобланади. Масалан:

Мужик мард инсон, козёл сотқин маъносида.

Арго ва жаргонлар истеъмол доираси чегараланган лексикага кирса ҳам ўзбек тилини боиитишда уларнинг аҳамияти жуда муҳим. Арго ва жаргонлар бизга асарни ўрганиш давомида қахрамонларнинг қайси гуруҳ вакили эканлигини аниқлашимизга ёрдам бери.

Тилнинг ноадабий қатлам лексикасига арголар, жаргонлар ҳам киради. Қуйида бу каби сўзларни ҳам кўриб чиқамиз. Уларнинг айримлари “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” га киритилган. Биринчи галда ушбу луғатга киритилганларини кўриб чиқамиз. Арго ва жарагон сўзлар

Паразит (1-китоб. 291-б). – “Кўнишди паразитлар”.

1. Бошқа организмларнинг танасида ёки ичида яшаб, унинг ҳисобига озиқланувчи жонивор ёки ўсимлик.
2. Бошқалар меҳнати ҳисобига яшовчи текинхўр.

Энағар (4-китоб. 144-бет). – “Иккита бегуноҳни қамоғингга тиқиб қўйиб яна “англашилмовчилик” деб безраясанми энағар”. Бу сўзга таъриф берилмади. “Тўрўғли” достонидан парча келтирилган. Онағар. Юрган йўлинг баланд тоғдир энағар! Ошиқни биз билан ўйна баччағар.

Палид (4-китоб. 82-бет). Бунақа палидликни Хонгрейдан ўрганиб келингми?

1. Ортиқ даража кир, ифлос; 2. Ўтакетган, ярамас, қабих одам.

Хунаса (4-китоб. 139-бет.). – Ҳа, хунаса, буни ҳам етказган экан – деб ўйлади Асадбек.

1. Ҳам эркак, ҳам аёллик жинсий белгилари бор одам ёки ҳайвон.

2. Ярамас, аблах, разил.

Лайча (4-китоб. 119-бет). Агар унинг КГБ эмас, Хонгрейга тобе лайча эканини билмасам унда чинданам пайтавафаҳм бўламан.

1. Кичкина пастак уй ити.

2. Кўчма салб. Бировнинг ҳар қандай топшириғини кўр-кўрона сўзсиз бажаришга тайёр киши, югурдак.

Жинни (4-китоб. 156-бет). – Жиннимисан! Кесакполвон энди қаттиқроқ тепди.

1. Ақлдан озган, руҳий хасталикка йўлиққан, телба, савдойи.

2. Кўчма. Кўнглига келган ножўя ахлоқона ишлар, келишмайдиган қилиқлар қиладиган, думбул.

Мижғов (4-китоб. 282-бет). – Бўлди, мижғовлик қилма.

1. Бир ишни дадиллик билан қила олмайдиган ланж, мағзава.

2. Ҳархашачи кўп, инжиқ.

Сўтак (4-китоб. 282-бет). Пул ишлайдиган одам шунақа имижиқи бўладими, сўтак. Содда гўл. Сўтак одам.

Довдирама (4-китоб. 315-бет). – Довдирама, кеса ҳам гаплашувдинг.

1. Гандиракламоқ, алпон-талпон ҳаракат қилмоқ. 2. Телба-тескари, алкаш-чулкаш гаплар валдирамоқ. 3. Ўзини йўқотмоқ, саросимага тушмоқ.

Лўттивозлик (1-китоб. 13-бет). Холидийнинг шогирди диссертация ёклаётганида Анвар бу илмий иш эмас, лўттивозлик деб фикрини исбот қилишга уринди.

Кўғирчоқ ўйнатиб ўйин кўрсатувчи.

Хотинчалиш (4-китоб. 397-бет). – Ҳар доим шунақа хотинчалишлик қиласанми? – деб жеркиб берди. Қилиғи ёки хатти-ҳаракати билан хотинларга ўхшаган, хотинларни эслатадиган эркак.

Нусха (4-китоб. 398-бет). – Қани, сен сўраб кўрчи, мени гапимга тушунмаяпти бу нусханг – деди Асадбек қорига қараб.

1. Бир турдаги нарсалар ҳақида тушунча берадиган наъмуна.

2. Бир хил қилиб яшаш, кўчириш учун тайёрланадиган наъмуна, андоза.

3. Босма ёки ёзма асарнинг ҳар бир донаси.

4. Бирор нарсанинг аслидан олган кўчирма.

5. Бирон салбий тоифага мансуб одам.

6. Афт, башара, ангор.

Тулки (4-китоб. 405-бет). – Ҳа тулки, - деб ўйлади Асадбек, - ишкалингнинг иси чиққанидан кейин ёриляпсанми?

1. Итлар туркумига мансуб, тумшуғи узун, думи майин, узун жунли, сут эмизувчи хайвон.

2. Кўчма. Ўтакетган айёр, маккор одам ҳақида.

Даюс (4-китоб. 145-бет). – Даюснинг боласи кўринмаяптими? – деб Асадбекдан сўради.

1. Қўшмачи далла. Қаттиқ сўкиш ибораси. Баъзи китобларда ўз аёлини рашк қилмайдиган, бегона эркаклардан қизганмайдиган кишига ҳам ушбу сўз ишлатилади.

Бефаҳм (4-китоб. 141-бет). – Сен бефаҳмларда андиша йўқ.

Тезда фаҳмлаб ололмайдиган, унча-мунчага фаҳми етмайдиган калта-фаҳм, фаҳми йўқ.

Хароми. (4-китоб. 142-бет). – Бу хароми ошнанг дунёда виждон нима эканини билмай ўтар – деган эди.

Ўзаро никоҳ қилинмаган эркак ва аёлдан туғилган бола.

Муттаҳам. (4-китоб. 177-бет). – Хуллас энди ўшалар муттаҳам экан.

Олди-берди муамаларида нопок, фирибгар, қаллоб.

Номард (4-китоб. 198-бет). – Беркитган тиллаларини чиқарсин, тўйдириб суғормаган номард. 1. Яхшиликни адолат – инсофни билмайдиган, қўлидан тантилик келмайдиган, ноинсоф виждонфунуш. 2. Юраги йўқ қўрқок.

Ғаламис (4-китоб. 166-бет). – Шу маҳаллада бир-икки ғаламис бор, юқоридагиларга хат ёзган.

Кишилар орасини бузишга, жанжал чиқаришга уринувчи, фитначи, ғийбатчи.

Аблаҳ (4-китоб. 317-бет). Орада қизининг тақдири бор экан, ҳар қандай аблаҳнинг малъунликларига чидашдан ўзга чораси йўқ эди.

1. Беъмани, нодон. 2. Ўтакетган ярамас.

Малъун (4-китоб. 317-бет). Лаънати, лаънатланган.

Итбалиқ. (3-китоб. 394-бет). – Атрофида етти-саккизта итбалиқлари бор. Сувда ва қуруқда яшовчи; тухумдан чиққан муртақи.

Латгачайнар. (3-китоб. 18-бет). – Латгачайнарлик қилма. Гапининг тутуриғи йўқ, бир гапниҳа деб такрорлайдиган эзма. Ўзбек тилининг изоҳли луғатиға киритилмаган сўзлар.

Маржабоз. Маълум тўдалар ёки гуруҳлар орасида кенг тарқалган сўз. Хотинбоз маъносида. – Қаёқларда юрибсан маржабоз? (4-к. 80-б).

Ҳариф. (4-китоб. 114-бет). Бу сўз халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, ўзига ортик даражада ишонадиган, ўзига бино қўйган, ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчайдиган

одам.

“Э, йўқ, у ҳарифнинг марҳамати керакмас”.

Пайтавафаҳм. (4-китоб. 119-бет.).

Агар унинг КГБ да эмас, Хонгрейга тобе лайча еканини билмасам, унда чиндан ҳам пайтавафаҳм бўламан. Бу сўз бефаросат сўзи билан маънодош. Гапирганида ҳам, бирор ишни юмушни бажаришда бошқаларни хоҳиш истагини ҳисобга олишга уқуви йўқ, лаёқатсиз, вазиятни ҳисобга ололмайдиган одам.

Ғаркўз. (4-китоб. 143-бет). “Асадбек уйланганидан сўнг Жалил “бу ғаркўз ошнанг энди остонангтаҳатламасин” деб шарт қўйди”. Чиройли одамга, чиройли нарсаларга суқланиб боқувчи одам. Ҳавас бу одамга бегона. Кўзига яхши кўринган нимаики бор, ўзиники қилишни ҳохлайди.

Занғар. (4-к. 145-б). Оммага таниш сўз. Ярамас, муттаҳам сўзи билан маънодош.

Қизиғар. (3-к. 177-б). Бу сўз ҳам оммага таниш. Ахлоқан бузуқ бўлган эркак ёки аёлга нисбатан ҳам ишлатилади.

Мараз. (4-к. 198-б). – Ў, мараз, сен мени лақиллатсанг ҳам Бекни лақиллатаман дема! Бу сўз сўкиш маъносида келяпти.

Халқ орасида бу сўз тузалмайдиган битмайдиган ярага нисбатан ҳам ишлатилади.

Ҳеббим. Намунча лаллаясан, ҳеббим! Хатти-ҳаракатлари билан аёлларни эслатувчи эркак.

3. Вульгаризм ва варваризмлар

Шунингдек асардан рус тили қатлами лексикаси ҳам ўрин олган. Масалан: - Ой, папул келди, - деб ўрнидан турди. Гапдаги папул сўзи ўзбек тилидаги “дада” сўзини англатиб, рус тилидаги “папа” сўзини бузиб талаффуз қилинаётганини кўрсатади.

- У ёқда зўр дўхтирлар бор, - деди (4-к. 84-б). Бу гапдаги дўхтир сўзи ўзбек тилидаги “шифокор” сўзини шевага англатиб, рус тилидаги “доктор” сўзини шевага мослаб талаффуз қилиниши кўринишидир. Шифокор сўзи кундалик турмушимизга ўғри тадбиқ этилса “врач” сўзига тўғри келади.

- Энди шучат қилсангиз ўзиз бориб кўрасиз. Гапдаги шучат сўзи ҳам рус тилидан олинган бўлиб, иккала тилнинг ҳам адабий нормаларига жавоб бермайди. Рус тилидаги “шучно” сўзининг бузиб талаффуз қилиниши натижасидир.

- Ха, қариман, ваабше старушкаман. (4-к. 155-б). –Адажониси бугун сал нотўрокмисиз? Уйга киришга успет қилмай бақирдингиз-а. (4-к. 155-б). Бу гаплардаги старушкаман, нетўрокмисиз, успет сўзлари рус тилида ҳам адабий нормаларга ҳам жавоб бермайди. Ўзбек тилига таржима қилинганида бу сўзлар қуйидагича маъноларни билдиради: екса аёл, ғалатиноқ, бирон ишгаа ўз вақтида улгурмаслик.

- Одамлар зависитдан куйиб кетсин.

- Вой интересносиз-а если келинлар билан кексалар, майда-чуйда қилишим керак-ку. (4-к. 156-157-б).

Бу гаплардаги зависитдан, интересносиз-а сўзлари ҳам рус тилдаги сўзларни ўзбек тилига бузиб олиб кирилганлиги кўринишидир.

- Пул топилиди, братан, бола топилмади. (4-к. 397-б). Гапдаги братан сўзи рус тилида ҳам ноадабий сўз бўлиб, айтилайтган одамга нисбатан беписантлик маъноларини ифодалайди. Рус тилида бу сўз “брат”, ўзбек тилида “ака” юритилиш лозим.

- Ўрисларда бир мақол бор. Ништак одам у. (1-к. 20-46-б). Бу гаплардаги ўрисларда, ништак сўзларининг бузилиб талаффуз қилиниши натижасидир. Аслида рус тилида бу сўзлар “рус”, “ништак” каби айтилади. Бу сўзлар ҳар иккала тилнинг адабий меъёрларига жавоб беролмаганлиги сабабли адабий тил деб айтолмаймиз.

Зелихоннинг “бу менинг землягим” деган гапидан кейин тинчишди. (1-к. 88-б). Бу гапдаги землягим сўзи ҳам ўзбек тили луғатига киритилмаган бўлиб, рус тилидаги “хамшаҳарим” деган маънони англатувчи сўзни ифодалайди.

- Ўрисча усталингда белим қотиб қолди. – Ўткир домлага ўқитвормаганимда шунча вақт баннисада ётмасидинг. – Сталин даврида репреса қилинганман. (1-к. 155.165.181-б).

Бу гаплардаги устал, банниса, репреса сўзлари рус тилидаги сўзларнинг бузиб талаффуз қилиниши натижасидир. Рус тилида бу сўзлар “стол”, “болница”, “репрессия” каби юритилади.

- Ҳозир исмен алмашадиган пайтда келдингиз. – Ўзим онганизоват қилганман. – Памяти зўр одамларга беш кетаман. – Бу дурной башканг кимга керак. Сен менинг мазгамни тақиллатма. Сендака добрий папашкаларни яхши кўраман. Асадбек васпитаниянгни бузибди. Бек акангни бу ишларга путат қилма.

- Ҳозир искаладдан олдим.

- Омма номераси бундайин бир хил бўлмасов. (3-к. 58.87.163.1364.202.210-б). Ушбу гапларда ҳам рус тилининг бузиб талаффуз қилинганлигини кўрамыз. Рус тилида бу сўзлар “смен”, “памят”, “дурная голова”, “мозг”, “папа”, “воспитания”, “склад” тарзида

айтилади. Талаффуз жихатдан ўзгаришсиз қўлланилагн сўзлар ҳам асарда учрайди. Масалан: - Ҳай адажониси, бир мирутга тўхтанг, у нас новоети! Ленинградда парикмахерларнинг международний виставкаси бўлаётган экан. – Ну да, конкурс. – Как это “катта кўча” ? И гогик победител бўлиши керак. – Ну зачем адажониси, Гогик Мониканинг сочини прическа қилиши керак.

- Посторонний одамни олдида просто унижат қилиб юборасан. – Мерси папул, - қизи шундай деб эркалангани – ча уни ўпдида қувноқлик билан изига қайтди.

- Етиб келмаганимда чутли оламни бузиб юборасиз-а, - деди у остона хатлаётди. – Дард? Какой дард...

- Сто раз борганман ўша Ленинградга.

- Вы что, адаси устимдан куляписизми?

- Между прочим, Ойсанамхон Японияга кетаётганмишлар. Ну вот, эри бўлмасаям кетяпти Японияга. Вот Пошша опам ҳам юрибдилар Германияда мазза қилиб. Бирга юборсайиз бўларди, ҳар ҳолда чужой эмасмизку?

- Вууй ваабше нетерпимо бўлиб кетяписиз.

4.Асарда ўзбек тилининг эвфемистик воситаларидан фойдаланиш

Эвфемизм юнонча «ей рпегш» сўзидан олинган бўлиб, «яхши гапираман» деган маънони билдиради.

Эвфемизм тилнинг ифода ва стилистик воситаларидан бири саналади. Айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора эвфемизм дейилади¹. Масалан: «бўғоз хотин» деб айтиш жонли тилда ҳам, адабий тилда ҳам ноқулай бўлганлиги учун унинг ўрнида иккиқат, оғироёқли, ҳомиладор, юкли каби эвфемистик сўзлар ишлатилади. Худди шунингдек, нутк вазиятига қараб, туғди ўрнида кўзи ёриди, аҳмоқ ўрнида ақли қисқа, кар ўрнида, кулоғи оғир, ўғри ўрнида қўли эгри каби иборалар қўлланади.

Тоҳир Малик «Шайтанат» асарида эвфемистик воситалардан жуда ўринли фойдаланган. Асарга назар ташласак, юқоридаги фикрларимизга далиллар топамиз. Масалан:

Ҳомиладорлигини билгандан бери эри уни бошида кўтариб юргудай бўлади. (1—к. — Б.353)

Келининг юкли эди. Бир марта хабар олмадинг. (2 — к.-Б. 91).

Ақли қисқалар ўйлаб, ишни пишитиб сўнг жангга кирмайди, кутилмаганда чанг солиб, ўзини ҳам, бошқани ҳам вайрон қилади. (1-к.- Б.73)

¹ Қўнғуров ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. -7/, Ўқитувчи. 1983, —Б.96.

Моҳичехранинг шаҳарда кўзи ёриди. (1—к. — Б.90).

Тилда эвфемизмларнинг яратилиши этнографик тушунча —табу ҳодисаси билан ҳам боғлиқ. Табу полинезча яъни сўздан олинган бўлиб, «ман қилиш», «чеклаш» маъноларини билдиради. Кишилиқ жамияти тараққиётининг ибтидоий даврида табиат ҳодисаларининг сирини билишга ожиз бўлган инсон кўрқув уйғотадиган сеҳрли ва зарарли, ёвуз кучлардан жин, арвоҳ, «ёмон рухлар» дан, офатли касаллик ва йиртқич ҳайвонлардан сақланишнинг бирдан бир чораси уларнинг номини айтишни ман этиш, атамаслик деб тушунган. Алоқа — аралашув муносабатларида сўзларни айтишни бундай ман этиш, таъқиқлаш ҳодисаси табу деб аталади.

Номини айтиш ман этилган кўрқинчли нарса ва ҳодисаларни, ёвуз кучларни чақириш хавфини туғдирмай гапириш зарурияти туғилганда, улар бошқа сўзлар, яъни эвфемизмлар билан алмаштирилади. Табу ҳодисаси изларини ҳозир ҳам учратиш мумкин. Масалан, йиртқич ҳайвон бўри ўрнида итқуш, қабишқир, қаришқул, жондор: касаллик номи қизамиқ ўрнида қўл, оймома, ҳаймома; чаён ўринда эшак, отийўк, бенои (Ургут районида), газанда (Андижон), айри қуйрук (Ҳоразм), бешбўғин, гаждум (Сурхйндарё) каби сўз ёки сўз бирикмаларининг ишлатилиши эвфемизм ҳодисасидир.

Ўзбек тили хилма —хил эвфемистик ибораларга бой бўлиб, муомалаларда уларнинг турли типлари кенг миқёсда ишлатилади.

Баъзи эвфемизмлар бу асосий тушунчани ифодаласада, лекин улар ўзларига хос оттенкалари ва кишиларнинг бир хил тушунчага турлича муносабатда бўлишларини кўрсатиш жиҳатидан фарқланиб туради. Эвфемизмларнинг бундай фарқланувчи белгилари сифатида турли эмоционал — экспрессив бўёққа эғалиги, бирон нутқ кўринишига мансублиги, адабий тил ёки диалектга хослиги каби ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида ўлим тушунчасини ифодалаш учун ишлатиладиган вафот қилмоқ, жони узилмоқ, жон бермоқ, қазо қилмоқ, оромдан ўтмоқ, кўз юммоқ, мангулик уйқусига кетмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, омонатини топширмоқ каби эвфемизмлар эмоционал — экспрессив ва стилистик бўёғи билан ажралиб туради. Масалан:

Зелихоннинг онаси бетобланиб, икки кунгина ётди. Учинчи куни узилди. (1—к. — Б. 91).

Бир соатча алаҳсираб ётиб, жони узилди. (2 —к. —Б. 94)

Асадбекнинг онаси вафот этган йили ўттиз биринчи декабр оқшомида чиққан эди, «мени холи куй» деб изига қайтарди. (1— к. — Б.24).

Ниҳоят, «омонатини топширибди, Худо раҳмат қилсин» деб дуо қиладилар. (2 —

к.— Б. 125).

— Кеча окшом тўсаддан узилибдилар — деди «энг кичик илмий ходим». (2 —к. — Б.256).

Сен, аҳмоқ, ростдан ҳам беҳабарга ўхшайсан, домла тўй қилганлари йўк, укалари оламдан ўтди. (2 —к. —Б. 335).

У отасининг ўғил фарзанди эканидан, ўзидан ҳароми бўлсада, зурриёд қолаётганидан беҳабар куз юмганини билсам эди. (3 —к. 6.91).

Булардан ташқари, китобий нутққа хос бўлиб, ҳозирда архаиклашган қуйидаги иборалар ҳам ўлим тушунчасини ифодаловчи эвфемизмлар ҳисобланади:

Бу орада, ҳеч кутилмаганда, бутун ғам— аламларини бирга баҳам кўрган, бир — бирига суяниб яшаётган эр — хотин олдинма кейин боқий дунёга рихлат килдилар. (2 —к. -Б. 94).

Бундан ташқари, шеваларда ҳам шу тушунчани ифодаловчи яна мунча эвфемизмлар учрайди. Масалан, бола ўлса, бола учди, гўдаги учди (Наманган ва Фарғона шевасида), нобуд бўлди (Тошкент) бола ченнади (Самарқанднинг айрим районларида) каби иборалар ишлатилади. Тохир Маликнинг «Шайтанат» асарида асосан Тошкент ҳудудлари шевасига хос эвфемизмлар учрайди.

Масалан:

Эллик учинчи йилда укаси Самандарнинг ҳеч кутилмаганда шамоллаб, нобуд бўлиши юрагига битмас жароҳат солган эди. (2 —к. —Б. 104).

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, эвфемизмларни айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ибора ўрнида силлиқроқ, иардали сўзларни ишлатиш эҳтиёжи билан ясалган ижобий оттенка сўз ва иборалар йиғиндиси ташкил этади.

Лекин тилда айтиш ноқулай ва ноўрин бўлган тушунчани эвфемистик усул билан юмшоқ, силлиқроқ формада ифода этишдан ташқари, кўпол ва дағал формада ифода этиш усули ҳам бор. Булар сузловчининг тингловчига ёки бирор предметга нисбатан масҳара, истехзоли, илтифотсиз қарашини, муносабатини ифодалайди.

Эвфемизмлар эса аксинча ижобий оттенка билан йўғрилган, силлиқроқ, пардали сўзлардан иборат бўлади. Масалан:

Болалари дам ёш етмай, дам энди тили чиқиб, ширин бўлган маҳалда уларни доғда колдириб кетаверишди. (2 —к. -Б.89).

Ушбу мисолдаги «кетаверишди» сўзи ўрнида муаллиф «ўлишаверди» деб қўллаганда қанчалик кўпол чиқарди. Кўринадик, бу ўринда муаллиф эвфемизмдан жудаям ўринли фойдаланган.

Тилимизда азалдан ўрнашиб қолган эвфемизмлардан ташқари, муайян нутқ вазияти талаби билан яратилган эвфемизмлар ҳам мавжуд. Бу хил эвфемизмлар тилдаги мавжуд сўзларга нисбатан контекстуал синоним бўлади. Кўпгина ҳолларда эвфемистик перифразаларнинг маъноси контекстга очилади ва улар стилистик функцияси жиҳатидан автор ёки асар қаҳрамони назарида кўпол туюлган сўз, иборани юмшоқ, силлиқрок формада ифода қилиш вазифасини бажаради. Масалан:

— Жойи чиққан бўлса, узатиш керак, — дегани унинг ақлини шошириб қўйди. (1—к —Б. 206).

Ушбу мисолга назар ташлайдиган бўлсак, мисолимиздаги нутқий одоб нуктаи назаридан қўлланиб, эрга бермоқ ўрнида узатиш керак каби эвфемистик маъно касб этган бу иборалар контекстдан ташқарида бутунлай бошқа маъно англатиши мумкин.

Худди шунингдек, бадиий эвфемизмларнинг ҳам маъноси, одатда контекстда рўёбга чиқади. Контекстдан ташқарида ўзининг эвфемистик маъно хусусиятини йўқотади,

Ҳақиқатдан ҳам қуйидаги мисолдаги «қиз бола» маъносида қўлланган ажиб бир гул сўзлари контекстдан ташқарида бу маънони англатмайди.

Ёши ўтаётган бўлсада, уйланмай юрган йигит нима учундир бу хонадонда ажиб бир гул унаётганини билмас эди. (1-к. -Б.222)

Иншооллоҳким бу юлдузлар сизнинг осмонингизда ҳам нур сочажак. (3 — к. — Б.44).

Бу мисолга ҳам назар ташлайдиган бўлсак, «юлдузлар» сўзи «қизлар» маъносини ифодалаб келяпти, яъни асардаги доктор Худоёрнинг қизлари назарда тутиляпти. Контекстдан ташқарида бу сўз ҳеч вақт бу маънони бермайди.

Ёзувчилар эвфемизмлардан ўз асарларида хазиломуз, юмористик тасвир яратиш учун ҳам кенг фойдаланадилар. Масалан:

Уни кўрган одам ковокларини кўтариб, инсон кепатасида сақлаб турувчи устунчалар тушиб кетган шу хунук кўринишга келиб қолган деб ўйлаш мумкин эди. (1 —к. -Б.167).

Бу мисолда Тоҳир Малик «Шайтанат» асаридаги Орзубек, депутат тасвирини чизаётиб, унинг бадқовоқлигини тасвирлаш учун ҳазил ибора—«инсон кепатасида сақлаб турувчи устунчалар тушиб кетган» — дея эвфемизмдан фойдаланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чикиб, шуни айтишимиз мумкинки, эвфемизмлар бадиий адабиётда асосан, айтиш юят, ноқулай ва нохуш вазиятлардан қутулишнинг бирдан бир стилистик воситаси сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, бадиий асарда образ ва персонажлар нутқида ишлатилган эвфемизмлар ҳар бир образ ва персонажнинг

мақсади, дунёқараши ва савиясини ифодалашдек муайян стилистик мақсадни ҳам кўзда тутди.

ХУЛОСА

Ушбу кичик илмий тадқиқотимизда тилшунослик ва поэтика масалалари, поэтик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари каби бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Бадиий асар тили, унда қўлланувчи тасвир ва ифода воситаларининг лингвистик хусусиятларини «Шайтанат» асари асосида кўриб чиқар эканмиз, Тоҳир Маликнинг сўз қўллашдаги юксак маҳоратига гувоҳ бўлдик.

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асаридаги ўхшатишлар, сифатлашлар билан танишиб шундай хулосага келдик. Ҳар бир бадиий тасвир воситаси каби ўхшатиш, сифатлашдан фойдаланганда ҳам, унинг нима мақсадда ишлатилаётганлигини, унинг ҳам мантиқий, ҳам поэтик мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Акс холла у ҳеч қандай эстетик қимматга эга бўлмайди.

Арго ва жаргонлар астеъмол доираси чегараланган лексикага кирса ҳам узбек тилини боиитишда уларнинг аҳамияти катта. Арго ва жаргонлар бизга асарни ўқиш давомида қаҳрамонларнинг қайси гуруҳ вакили эканлигини аниқлашимизга ёрдам берди.

Эвфемизмлар бадиий адабиётда, асосан, айтиш уят, ноклай ва нохуш вазиятлардан кутилишнинг бирдан — бир воситасидир.

Дисфемизмлар бадиий асарда образ ва персонажлар нуткида ҳар бир образ ва персонажнинг мақсади, дунёқараши ва савиясини ифодалашдек муайян мақсадни кўзда тутди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари юксак маҳорат билан ёзилган унда бадиий асар тили учун хос хусусиятлар ўз ифодасини топган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Тошкент. “Ўзбекистон” 2000 й
2. И.А.Каримов. Миллий давлатчилик истиқлол мафкуриси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Тошкент. “Ўзбекистон” 1999 й
3. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пированд мақсадимиз. Тошкент. “Ўзбекистон” 2000 й
4. А.Собиров. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Тошкент “Маънавият” 2004 й
5. Н.Неъматов. Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент. “Ўқитувчи” 1995 й
6. Фахри Камол. Ўзбек тилининг лексикаси. Тошкент. Ўз.Фа. Академияси нашр. 1953 й
7. А.Ҳожиёв. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғали. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашр. 2002 й
8. С.Иброҳимов. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. Ўзбекистон “Фан” нашр. 1967 й
9. У.Турсунов. А.Мухторов. Ш.Рахматуллаев Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент “Ўзбекистон” 1992 й

Манбалар:

- 1.Тоҳир Малик. Шайтанат. — Т.; Шарқ. 1 — китоб. 1992.
2. Тоҳир Малик. Шайтанат. — Т.; Шарқ. 2 — китоб. 1995.
- 3.Тоҳир Малик. Шайтанат. — Т.; Шарқ. 3 — китоб. 1997.